


ИИЗОМНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ТАСДИҚЛАВМАН

А.К. Қирғизбаев

2022 йил 10.08

ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ УҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 - Таълим
Таълим соҳаси: 110000 - Таълим
Таълим бўлиши: 7011301 - Муенка таълими ва санъат

Фан/мавзу коди ИМА105	Ўқув йили 2022-2023	Семестр 1		Кредитлар 5	
Фан/мавзу тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус			Ҳафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Маъру- за	Амалий	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Ижрочилик маҳорати асослари	30	30	90	150
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Магистратура йўналишида таҳсил олувчи магистрант мусиқа педагогикаси, мусиқа психологияси, педагогик тадқиқотлар методологияси ва педагогнинг методологик маданияти; педагогик тадқиқотларнинг мантиқий-гносеологик модели; мусиқа педагогикаси соҳасида педагогик тадқиқотларнинг методологик тамойиллари; педагогик тадқиқотларни ташкил этиш технологияси бўйича билимларга эга бўлиши зарур. Магистрантларни илмий-педагогик фаолиятига тайёрлашда мазкур фан муҳим аҳамиятга эга.</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад — магистрларнинг ижро маҳоратини мукаммал эгаллашлари билан бирга, маънавий меросимиз бўлган хонандалик асослари ҳамда ижрочилик намоёнларининг ҳаёти фаолиятини , шунингдек, мусиқий ижрочилигини кишилик жамиятида тутган ўрни нечоғли аҳамиятли эканлигини билишлари лозим. Зеро, мусиқа ижрочилигида хонандалик ва чолғу ижрочилиги ўзининг нозик садолари билан инсон руҳиятига таъсир этиш билан бирга, ахлоқий, маданий ва маънавий бойликларни ифода этади.</p> <p>Фаннинг вазифаси - магистрлар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намоён этишларидан иборатдир. Магистрлар мазкур фан орқали чолғуларни келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши, асрлар давомида ижро санъатида юзага келган ўзгаришлар, машҳур</p>				

санъаткорларни ижро анъаналари каби назарий томонларини билишлари лозим. Энг аввало ўз миллий маданиятимиз мусиқа ва санъат турлари тарихини билиши - кенг қамровли мутахассис бўлиб этишига ёрдам беради.

II. Назарий қисм (маъруза машғулоти)

II. I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

I – МОДУЛЬ. Мусиқа чолғулари ижрочилик тарихидан

- 1-Мавзу: Qadimda musiqa san'ati.
2. Arxeologik qazilmalar va yozma manbalarda aks ettirilgan musiqiy cholg'ular (ko'rinishi, turlari, o'tagan vazifalari).
3. Musiqiy cholg'ularni xalq maishiy turmushida qo'llanilishi.
4. Ijrochilik mahorati asoslari san'atini tarixiy ahamiyati.
5. Kasbiy sozandalik qatlamining vujudga kelishi.
6. Musiqiy sozlar o'rta asr miniatyura va risolalarida.
7. Musiqiy cholg'ularni tasniflash tizimi.
8. Milliy cholg'ularni takomillashtirish.
9. Yangi davr ijrochiligining ikki yo'nalishi.
10. Ijrochilik mahorati asoslari malakalarini shakllantirish.

III. Амалий қисм (машғулот мавзулари)

III. I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:

I – МОДУЛЬ. Ижрочилик тарихига оид ашулалар.

1-мавзу. Шарқ мумтоз адабиёти.Бобур.Шароб.

Куйланадиган асар ҳақида назарий билимлар берилади. Ашула ижрочилиги мактаби, муаллифлар ҳаёти ва ижоди, Бобурнинг Шарқ мусиқа маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар тақдим этилади.

2-мавзу. Шарқ мумтоз адабиёти.А.Навоий.Мубтало бўлдим сенга.

Асарни куйлаш малакалари ва асар муаллифлар – Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида назарий маълумотлар бериб, асар ўқитувчи томонидан куйлаб берилади.

3-мавзу. Шарқ бастакорлик ижоди.Онамга.

Ашуланинг куйлаш малакалари ҳамда муаллифлари ҳақида назарий ҳамда амалий билим, малакалар берилади. Шарқда яшаб ўтган машҳур бастакорлар ижод мактаби ҳақида назарий маълумотлар берилади. Т.Жалиловнинг "Тоҳир ва Зухра" мусикали спектакли ҳақида сўзлаб берилади. Асар ўқитувчи томонидан куйлаб берилади.

4-мавзу. А.Навоний. Наззора қил.

Асар ижро услуби ҳамда асар муаллифлари ҳақида назарий ва амалий билимлар тақдим этилади.

5-мавзу. Бастакорлик ижоди. А. Абдурасулов Лазиз

Бастакор ижоди йўли ҳақида гапириб берилади..

6-мавзу. А.Навоний. Соқиномаи Баёт.

Соқиномаи Баёт ашуласининг ижро услуби, муаллифлари ҳаёти ва ижоди ҳамда назарий – амалий маълумотлар берилади. Ашуланинг мусиқа йўли ҳамда шу мусиқага ёзилган матн мазмуни ҳақида маълумот берилади.

7-мавзу. Бобур .Соқиномаи савти калон.

Соқиномаи савти калон ашуласининг ижро услуби, мусиқа ва матн муаллифлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

8-мавзу. А.Навоний ғазали. А. Абдурасулов мусикаси. Гулузорим.

Асарнинг куйлаш малакалари, нола ва безаклари бўйича амалий билимлар келтирилади. Мусиқа ва матн муаллифлари ҳақида маълумотлар тақдим этилади.

9-мавзу. Ўзбек халқ ашуласи. Дилхирож. Муқимий ғазали.

"Дилхирож" ашуласи ҳақидаги назарий ҳамда амалий билимлар тақдим этилади. Ашуланинг динамикаси, нола ва безаклари, авж пардаларни куйлаш малакалари тушунтириб берилади.

10-мавзу. Муқимий ғазали. Ул париваш.

Муқимий қаламига мансуб "Ул париваш" ашуласи ижро услуби, асар муаллифлари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

11-мавзу. Муқимий газали.Оромижон.

Фаргона-Тошкент ашулачилик мактаби ижро услуби, Чормаком ашула туркумлари, нола ва безаклар ижрочилиги, матн муаллифининг ҳаёт йўли ҳақидаги амалий билимлар тақдим этилади.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Кўрмадим. Д.Зокиров. А.Навоий газали.
2. Эй сарвиравон. С.Калонов мусиқаси, Нодира газали
3. Отмагай тонг. Т.Жалилов мусиқаси.
4. Сарохбори Дугоҳ - тароналари.
5. Салламно Н.Ҳасанов мусиқаси. Васфий газали
6. Сегоҳ. Хуршид газали.
7. Сўлим. Ғ Соатий шеъри. И.Икромов мусиқаси.
8. Эй нозанин. Ж.Султонов мусиқаси.Муқимий газали.
9. Қўшчинор. А.Абдурасулов мусиқаси, А.Навоий газали.
10. Улқун жанон. Муқумий газали.
11. Фарғонача Жонон-2. Муқимий газали.
12. Хануз. А.Навоий газали.
13. Жудо. А.Навоий газали Ю.Ражабий мусиқаси.
14. Дилхирож - Фузулий газали.
15. Таронаи Дугоҳ Хусайн. Ўзбек халқ кўшиғи.ИИИ боб.82 бет.
16. Қашқарча Мустахзоди Наво. Фурқат газали
17. Соқиномаи Мустахзоди Наво. Нишотий газали.

Амалий машғулотларда мавзулар бўйича ДВД, СД, МР3 мусиқий ёзувлари дискларидан кенг фойдаланадилар.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Аудиториядан ташқари вақтда бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилиши тавсия этилади:

1. Ҳар бир ўзлаштирилган ашула матнлари устида мукамал иш олиб борилади. Талаффуз, дикцияга эътибор берилади.
2. Ўрганилган ҳар бир ашула ижро йўлидаги нола ва безаклари ижро маҳорати устида ишланади.
3. Ҳар бир асарнинг мукамал электрон вариантлари – ДВД,СД,

